

МИЛЛИЙ МАДАНИЙ МЕРОСНИ САҚЛАШДА МУЗЕЙЛАРНИНГ ЎРНИ.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19638787>

Йигитали Кароматиллаевич Бахриддинов

*Нурота табиий меъморий мажмуаси музейи
илмий ходими ходими*

Зилола Шодмонова Самадқуловна

*Нурота табиий меъморий мажмуаси музейи
зал назоратчиси*

Аннотация

Ушбу мақолада Нур қалъасида олиб борилган археологик казишма ишлари ҳақида маълумотлар батафсил ёритилган.

Калит сўзлар

Сўғдиёна, Мовароуннаҳр, Нур, Арк, Шаҳристон

Музей-халқларнинг тарихий жиҳозлари, қурол-яроғи, кийим-кечаги, озиқ-овқат турлари, деҳқончилиги, пул бирликлари, маданий ва моддий бойликлари ҳамда бошқа турдаги ҳатто номаданий-номодий бойликларини ҳам акс эттирувчи: сақловчи, қўриқловчи, тарғибот қилувчи, маълумотлар тўпловчи, илмий ишлар олиб борувчи, илмий амалий конференция ва тадбирларда мунозара ва мулоҳазалар юритувчи, экспонатларга тил киргизувчи кўзгудир.

Бутун дунёдаги музейларда тўпланган ва намойиш этилаётган дунёдаги барча тамаддуннинг ҳар томонлама, даврма-давр тўплаб уларни нафақат сақлаб, ўрганиб, илмий асослаб, ҳар бир тамаддуннинг жойи, табиати, ер ости ва ер усти бойликлари, об-ҳавоси, халқи, қабилалари ҳамда тарихини ҳикоя қилиб, жон киргизиб, уларнинг борица: ҳеч қандай мубоғаласиз таъриф берувчи ташкилотдир.

Музейларнинг илмий ходимлари, фонд сақловчи ва уларнинг ёнидаги барча музейи ходимлари бир неча хусусият: ватанпарварлик, ишига виждонан ёндашиш, ҳалоллик, жонқуярлик ва ташаббускорлик каби эга бўлган ходимлари бор музейларнинг келажаги порлоқдир ва бундай ходимлар халқнинг асл фарзандлари бўлиб, ёшларни ҳар томонлама мукамал ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, тарихни ўрганиб кеклажакка интилишга, руҳан тетиклашиб ижод қилишга йўлланма берувчилардир.

Бу борада жонли мулоқот: сирли сўз, мантикли таъриф, ишончли тушунча ва хулоса эса ҳар бир экспонатни гапиртиради унга жон бағишлайди.

Мустақиллигимиз ва Президентимизнинг эътиборлари натижасида кейинги даврда халқимиз эришадиган улкан ютуқлари туфайли халқимиз тарихини ва миллий қадриятларимизни хорлисона ўрганиш давлатимизнинг устивор йўналишларидан бирига айланди.

Юқоридагиларнинг натижаси ўлароқ Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Қарши, Термиз, Хива ва Марғулон каби қадимий шаҳарларимизнинг юбилейлари бўлиб ўтди. Ўзбекистоннинг бу каби улуғ қадимий шаҳарлари каторида ўзининг қадимийлиги ва чуқур тарихий илдизига эга бўлган маскан Нур қалъаси (қадимги Нуршаҳри) ёдгорлиги мавжуд бўлиб, у ўзининг алоҳида ўрнига эга.

Навоий вилоятининг Нурота шаҳрида жойлашган Нур қалъаси (қадимги Нур шаҳри) Марказий Осиёнинг қадимий шаҳарларидан бири сифатида Сўғдиёна ва Мовароуннаҳр тарихида муҳим сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий стратегик аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ҳам Нур қалъаси шаҳар ёдгорлиги доимо археолог олимларнинг диққат эътиборида бўлган.

Нур қалъасида археологик изланишлар дастлаб 1960-1961 йилларда археологолим Яхё Ғуломов бошчилигида ташкил этилган экспедиция томонидан ўрганилган. Ўшанда Нур қалъаси (қадимги Нур шаҳри) ва унинг атрофида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида шаҳар тарихига оид бир қанча муҳим маълумотлар қўлга киритилган. Олинган маълумотларга кўра бу ерда шаҳар тахминан милoddан аввалги IV-III асрларда, яъни антик даврда шаклланганлиги айtilган. Ҳозиргача сақланиб қолган бу қадимги шаҳар ҳаробалари Нурота шаҳрининг жануб томонида кенг табиий тепаликлар устида жойлашган. Шаҳар қад ростлаган пайтида, мудофаа арки ҳамда қалъа –шаҳристондан иборат бўлган холос. Шаҳристоннинг тахминий худуди, ўртача 500 x 500 метр ўлчамда бўлиб, 25 гектарга яқин бўлган. Маҳобатли бу иншоотлар мустаҳкам мудофаа деворлари билан ўраб олинган. Яхё Ғуломов томонидан ўрта асрларда, шаҳристоннинг шимолида, ҳозирги шаҳар ўрнида рабoт бўлганлиги ва қадимги Нур шаҳри Марказий Осиёнинг бошқа шаҳарлари каби уч қисмдан яъни арк, шаҳристон ва рабoтдан иборат эканлиги айtilган.

Нурота воҳасининг ўзи ҳам қадимдан маҳобатли мустаҳкам мудофаа девори билан ўраб олинганлиги тўғрисида ёзма манбаларда қайд қилинган. Унда томонлари 7 x 7 км, яъни умумий майдони 50 кв.км га яқин бўлган катта майдонни ўраб олганлиги айtilади. Унинг бурчакларида эса

кўриқчиларнинг миноралари қад ростлагани таъкидланади. Воҳанинг девори ўртада бўлиб, ҳозирда ушбу воҳа деворининг ҳаробалари ясси, узун тепалик занжири кўриниши дасакланиб қолган.

Қадимги Нур шаҳрининг IX-X асрлар даврига оид тарихи тўғрисида бирор – бир маълумот сақланган эмас. Лекин Муҳаммад ибн Жаъфар (ан Наршахий) асарида келтирилишича хали Бухоро шаҳри вужудга келмаган даврда, қишлоқлардан баъзилари пайдо бўлганлиги айтилади. Улардан Нур, Ҳарконруд, Вардона, Таровча, Сафна, Исфана қишлоқлари қайд қилинади. Демак, Бухоро бунёд бўлмасдан олдин Нур қишлоғи мавжуд бўлган. Яна Наршахийда Нур катта жой, унда жоме масжиди бор, у кўпгина работларга эга деб айтилган. Шу сабабли ҳам дастлабки археологик тадқиқотлар даврида тўпланган маълумотлар орқали шаҳар тарихининг умумий жиҳатлари ҳисобланган X-XI асрлар даврини ойдинлаштиришга имкон беради. Масалан шаҳар тахминан милoddан аввалги IV-III асрларда, яъни антик даврда шаклланган дейилган. Бу маълумот шаҳар ҳаробалари устида сочилиб ётган ўша даврларга оид сопол парчаларига нисбат қилиб олинган.

Демак шаҳарни қайси даврда пайдо бўлганлиги, унинг ривожланиш босқичлари тўғрисида фақатгина, шу жойда археологик тадқиқотлар олиб боргандан кейингина аниқ бирор нарса дейиш мумкин. Бундан ташқари Нур шаҳар тарихи тўғрисида X-XI асрлар муаллифлари Ёқут, Мукаддасий ва бошқа араб географларининг асарларида қайд этилади. Уларда шаҳарнинг географик жойлашуви, аҳолининг ҳаёт тарзи, хўжалиги, кўшни шаҳар ва кентлар билан оралиқ масофалари, савдо алоқалари ҳақида дастлабки қимматли маълумотлар берилади. Лекин бу ёзма маълумотларнинг қанчалик тўғри эканлиги ҳақида фақатгина археологик тадқиқотлар ўтказиб, олинган янги натижалар асосида бирор нарса дейиш мумкин.

Манбаларда қуйи Зарафшон водийсида жойлашган Бухоро, Кармана, Пойкент ва бошқа йирик шаҳарлар, Нур шаҳри орқали ҳозирги жанубий Қозоғистон ва Еттисув вилоятларда жойлашган қадимги шаҳарлар билан мунтазам савдо ва маданий алоқалар олиб борганлиги, шубилан бирга Сўғдиёнанинг энг шимолида жойлашган шаҳар сифатида муҳим ҳарбий стратегик аҳамиятга эга эканлиги айтилади. Бундан ташқари ўрта асрларда қадимги Нур шаҳрини гуллаб яшнаганлиги тўғрисида ҳам маълумот берилади. Лекин Ҳерман Вамберининг “Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи” китобида Нур шаҳрини 1220 йилнинг бошида Чингизхон бошчилигидаги мўғул кўшинлари томонидан тамоман вайрон этилганлиги айтилади.

Шундан сўнградан бир юзи эллик йил ўтиб, 1370 йилда шаҳар, унинг шимолий работ қисмида ҳозирги Нурота шаҳри ўрнида қайтадан

тикланганлиги айтилади. Темурийлар ва ундан кейинги хонликлар даврида ҳам Нурота Бухоро воҳасининг энг йирик сиёсий, иқтисодий ва маданий марказларидан бири сифатида фаолият кўрсатганлиги аниқ. Бундан ташқари Нур қалъаси (қадимги Нур шаҳри) да ҳаёт XIX асрнинг охирларигача давом этган. Чунки манбаларда мустаҳкам мудофаа тизимига эга бўлган Нур қалъасида Бухоро амирлигининг Нурота беги турган. Шу жойдан туриб бутун Нурота воҳасини бошқарган. Масалан Нур қалъасининг мудофаа мақсадида бунёд қилинган паҳса деворлари асрлар оша мавжуд бўлиб, уларнинг XIX асрда ҳам сақланиб қолганлиги ҳамда асосий мудофаа сифатида тўсиқ вазифасини ўтаганлиги бизга тарихдан маълум.

Шунинг учун ҳам қадимдан Нурота тоғ тизмаси Сўғдиёна ва Бухоро воҳаларини Қизилқум орқали эсадиган ҳар-хил чанг тўзонли ва гармсел (иссиқ) шамолдан тўсиб турган бўлса, мустаҳкам мудофаа деворлари орқали душманлардан тўлиқ ҳимояланган. Шунинг учун ҳам воҳадаги қалъа ҳаробаси тоғнинг этак қисмида чашманинг тепасида жойлашган бўлиб, асли номи Нур, қадимдан турар жой аҳолиси уни ҳурматлаб, “ота” сўзини кўшиб ота шаҳар деб аташган, шунинг учун ҳам турар жой аҳолиси уни “Нурота” деб атади.

Қалъада катта булоқ мавжуд бўлиб, утўртбурчаксимон ховуз кўринишида сақланган, ўлчами 18 x 10 мга тенг. Булоқнинг оғиз қисмига сунъий шаклда ховуз қилиниб унинг атрофи тоғ тошлари билан ўралган. Қалъанинг атрофида бундан бошқа оқар сув ёки бошқа булоқ мавжуд эмас. Тахминан темурийлар даврига келиб булоқдан чиқадиган сув ягона бир тизимга солинган. Кичик сунъий суғориш тизими орқали шаҳарнинг ҳамма жойи сув билан таъминланган. Шу сабабли ҳам темурийлар даврида шаҳар шимолий работ қисмида ҳозирги Нурота ўрнида қайтадан қад ростланганлиги айтилади. Бу давргача булоқнинг ортиқча сувлари айнан шу жойга тўпланиб кичик кўл ҳосил қилганлиги манбалардан бизга маълум. Шу боис ҳам сув бошига эгалик қилиш ва душман қамалига бардош бериш мақсадида тахминан илк ўрта асрларда булоқ устига паҳса ва тошдан қалъа қурилган бўлиши мумкин. Бу орқали нафақат аҳолини душмандан ҳимоя қилиш, қолаверса шаҳарни сув билан таъминлай олган ягона суғориш тизими ҳисобланган “Чашма”ни ҳам кўриқлашган.

Биз юқорида қайд қилинган ёзма манбалар ва олиб борилган археологик тадқиқотлар асосида Нур қалъаси (қадимги Нур шаҳри) тўғрисидаги маълумотларни жамлаш ҳамда ушбу муаммолар ечимини топиш мақсадида Нур қалъаси ҳаробаларида археологик тадқиқотлар олиб боришни доимо зарур деб ҳисоблардик.

Кўп йиллик танаффусдан сўнг ЎзР ФА Археологик тадқиқотлар институти олимлари Навоий вилояти Нурота тумани хокимлигининг молиявий кўмаги ёрдамида, Нур қалъаси (қадимги Нур шаҳри) ёдгорлигида археологик қазув тадқиқот ишларини олиб бораётти. Нурота воҳаси ўзининг географик жойлашуви, об-ҳавоси ва иқлим шароити билан бошқа тоғли худудлардан ажралиб туради. Бундай дейишимизга асосий сабаб, бу жойда қадимдан доимий сув манбаига эга бўлган булоқ суви яъни Чашма бор.

Қалъа сир-асрорларини ўрганиш мақсадида унинг шимоли-шарқий қисмида ўлчами 10x10 метр бўлган жойда қазув тадқиқотлари олиб бордик. Қазилма давомида орадан кўп вақт ўтмай хом ғишт ва тошдан бунёд қилинган деворларга дуч келдиква хоналарни очишга муваффақ бўлдик. Мутахассислар томонидан маъмурий бино деб тахмин қилинаётган мазкур иншоотдан XVI-XIX асрларга тааллуқли, бўлган сопол идиш қолдиқлари ва бошқа ашёлар топилди. Сақланиб қолган деворнинг ички шувоғида бугунги замонавий таъмирлаш ишларида қўлланиладиган қурилиш материалларининг ишлатилгани шундайгина акс этиб турибди. Хоналарнинг поли бир хил текисликда бўлиб, усти тўғри қилиб бежирим ишланган, иш давом этаяпти. Қизиқарли томони шундаки, қазув тадқиқотлари давомида пастки қатламларга тушиб борилса, албатта шаҳарнинг даври қадимийлашиб бораверади. Шаҳарнинг қадимги даврлари тўғрисида тадқиқотлар давом эттирилсагина бирор нарса дейиш мумкин бунга албатта вақт керак. Биз айтмоқчимизки ҳозирги қазилма давомида очилган ушбу тарихий ашёлар-қалъа иншооти деворлари ва хоналарни сақлаб қолиш жуда зарур. Очиб ўрганилган иншоотларни устини ёпиш ва уни таъмирлаш катта маблағ талаб этади. Шундай бўлса ҳам юқорида қилиниши зарур бўлган ишларнинг ечими топилса Нур қалъаси (қадимги Нур шаҳри) Навоий вилояти Нурота туманининг сайёҳлик салоҳиятини оширишга хизмат қилар эди. Яна бир нарса юртимизда олиб борилаётган туризм соҳасида ишларнинг девончаси ҳам бўлиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Нур тарихи саҳифаларидан Ш.Исмоилзода, Р.Ахмедов